

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЙРИЕВА МУХСИНА ФАРХОДОВНА

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДАГИ КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАР

14.00.13–Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хайриева Мухсина Фарходовна

Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморлардаги когнитив
бузилишлар 3

Хайриева Мухсина Фарходовна

Когнитивные нарушения у больных с хронической сердечной
недостаточностью 25

Khairieva Mukhsina Farkhodovna

Cognitive impairment in patients with chronic heart failure 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЙРИЕВА МУХСИНА ФАРХОДОВНА

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДАГИ КОГНИТИВ БУЗИЛИШЛАР

14.00.13–Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Tib 929 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафуров Бахтияр Гафурович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳкамова Наргиза Ўткировна
тиббиёт фанлари доктори
Хайдарова Дилдора Кадировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфендияров номидаги Қозок
миллий тиббиёт университети
(Қозоғистон)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «1» март соат 12,50 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№079 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» сентябр куни тарқатилган.
(2022 йил «14» сентябр даги Р1 рақамли реестр баённомаси)



Ходжиева Д.Т.Ходжиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Каримова Н.Н.Каримова
Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ихтиярова Г.А.Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморлардаги когнитив бузилишлар ҳозирги кунгача неврологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда ва муаммонинг долзарблиги ушбу патологиядан келиб чиқадиган асоратларнинг кўплиги ва етарли даражада самарали даволаш услублари йўқлиги билан белгиланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, “...юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг 5 йиллик омон қолиш даражаси 30-50% дан ошмайди..”¹ Этиологиясидан қатъий назар, ушбу синдром прогрессив кўринишга эга, шунинг учун уни юрак етишмовчилигининг дастлабки босқичларда аниқланиши муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда сурункали юрак етишмовчилиги ва у билан боғлиқ асоратларнинг кўп учраши ҳозирги кунда муҳим тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммо ҳисобланиб, юрак-қон томир касалликларининг янги эпидемиясини ифодалайди (V.L.Feigin, B.Norrving et al., 2013). Сурункали юрак етишмовчилиги –бу кўп тармоқли касаллик бўлиб, унда юракнинг бирламчи дисфункцияси организмдаги эҳтиёжларга мувофиқ қон айланишини таъминлашга қаратилган бир қатор гемодинамик, нерв ва гуморал мослашув реакцияларини келтириб чиқаради (O.P.Almeida, C.Etherton-Beer et al., 2013). Тадқиқотда юрак отилиш ҳажмининг бош миядаги қон айланишига ва когнитив бузилишларнинг намоён бўлиши кўрсаткичларига таъсир даражаси ўрганиш, нейропсихологик текширувда ушбу беморларнинг когнитив функцияларини систематик равишда баҳолашга имкон берадиган усуллардан фойдаланиш, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилиш хусусиятларини аниқлаш ва сурункали юрак етишмовчилигининг оғирлик даражасининг ошиши билан уларнинг ўзгариш шакллари таҳлил қилишга ёрдам беради. Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморлардаги когнитив бузилишларни ташхислаш ва оқибатларини даволашда илғор илмий тадқиқотлар ўтказиш аҳоли учун ўта муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда, мамлакатимизда соғлиқ сақлаш соҳаси тубдан янгиланди. Ўзбекистон Республикаси тиббиётида долзарб муаммо цереброваскуляр касалликларга эрта ташхис қўйиш, шунингдек уларнинг асоратларини камайтириш бўйича даволаш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда, «...2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатилишини янада яхшилаш кўзда тутилмоқда..»²

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йилнинг 7-февралидан “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сон фармони, 2017-

¹ Жумамуратова Н. С. Когнитивные нарушения и качество жизни у больных с хронической сердечной недостаточностью // Терапевтический вестник Узбекистана. - Ташкент, 2017. - №3. - С. 18-19.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори

йилнинг 20-июнидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон қарори, 2018-йил 7-декабридан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон фармони, 2018-йил 30-августидан “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3925-сон қарори, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий адабиётлар таҳлилида сурункали юрак етишмовчилиги оғирлик даражасининг когнитив бузилишлар намоён бўлиш кўрсаткичларига таъсири тўғрисида аниқ бир тўхтамга келинган маълумотлар берилмаган. Бир гуруҳ тадқиқотчилар сурункали юрак етишмовчилиги ва когнитив бузилишлар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқ ва равшан қилиб таҳлил қилишган (O. Donell M. et al., 2016), бошқа гуруҳ тадқиқотчилари эса бу боғлиқликни инкор қилишган (Alosko M.L. et al., 2012).

Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишлар ривожланиш механизмлари тўлиқ ўрганилмаган. Илгари когнитив бузилишлар этиологияси цереброваскуляр эмболиялар ҳисобланса, ҳозирги кунда унинг асосий сабаби бош миянинг гипоперфузияси ҳисобланади. Баъзи муаллифлар бош мияда қон оқимининг пасайиши сабаби юрак қисқаришидан отилиб чиқувчи қон миқдорининг пасайиши билан боғлиқлигини таъкидлашади (Vogels R.L. et al., 2010). Бошқалар эса, изоляцияланган чап қоринча дисфункцияси бош мия гипоперфузиясига олиб келувчи асосий гемодинамик омил сифатида кўриб чиқишни таклиф қилишади (Zuccala G. et al., 1997). Бир қатор тадқиқотчилар ушбу тоифадаги беморларда артериал гипоперфузиянинг муҳим роли борлигини таъкидлашади (Левин О. С. и соавт., 2011). Ультратовуш доплерография натижаларига кўра, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда бош мия артерияларининг вазодилатация фаолиятининг бузилганлиги аниқланди.

Кўп ҳолларда бундай бузилишларнинг чап қоринча қисқариш фракцияларининг пасайиши билан боғлиқлиги кузатилди (Georgiadis D., 2010). Бошқа тадқиқотчиларда бундай ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланмади (F.Sofi, D.Valecchi, D.Vacci et al., 2011). Сурункали юрак етишмовчилигига хос бўлган периферик вазоконстрикция бошқа органларда периферик қон томирлар қаршилигининг ошишига олиб келади (Виноградова Н. Г. 2018; Гафуров Б. Г. ва ҳаммуал., 2019). Бундай ўзгаришларнинг бош мия гемодинамикаси ва когнитив бузилиш патогенезидаги роли эса аниқланмаган.

Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда нейропсихологик тестлар натижалари ва бош мия қон оқимининг ўзгариш натижалари бир бирига зиддир. Бундай келишмовчиликлар асосан сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг гетерогенлиги билан боғлиқ.

Текширишларда беморларнинг ёши, маълумоти, жинси, касаллик этиологияси, касаллик оғирлик даражаси, чап қоринча дисфункцияси тури, ёндош касалликлар муҳим аҳамиятга эга. Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, юрак кон томир касалликларини келтириб чиқарувчи хавф омилларининг кўплиги, ёндош касалликларининг ҳар хил бўлиши улар натижасида келиб чиқувчи когнитив бузилишлар патофизиологиясини ўрганишни қийинлаштиради (В.А.Парфенов, 2018). Бундан ташқари, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив функцияларни ўрганиш ушбу гуруҳ учун мос бўлган мукамал нейропсихологик тест усулларининг бўлмаслиги туфайли қийин ҳисобланади (О.Д.Остроумова, Г.С.Пушкарёв, 2019). Айрим тадқиқотчилар ушбу тоифадаги беморларнинг когнитив функцияларини баҳолашда тизимли ёндошувдан фойдаланадилар (А.Г.Ракишева, Е.Рябихин, 2017).

Ўзбекистонда когнитив функциялардаги ўзгаришлар борасида қатор олимлар томонидан тадқиқот ишлари ўтказилган (Шомансуров Ш.Ш., 2010; Гафуров Б.Г., 2015; Раҳимбаева Г.С., 2016; Матмуродов Р.Ж., 2017; Ходжиева Д.Т., 2019), бироқ, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда юзага келадиган когнитив бузилишлар ва уларнинг хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий ишлар тўла қонли олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бухоро давлат тиббиёт институтининг В2019.2.PhD/Tib929. “Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишлар” (2019–2022 й.й.) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Сурункали юрак етишмовчилигида когнитив бузилишларнинг клиникаси, патогенезининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва уларда даво чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали юрак етишмовчилигининг кечишига қараб когнитив бузилишларнинг намоён бўлиши ва уларнинг учраш даражасини аниқлаш;

турли хил оғирлик даражасидаги сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда бош мия гемодинамикасини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилигида когнитив бузилишнинг намоён бўлиш даражасига қараб, бош миянинг ҳолатини нейровизуал текширувлар орқали баҳолаш;

когнитив бузилишлар мавжуд сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда бош мия биоэлектрик фаоллигини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморлардаги когнитив бузилишларни коррекция қилувчи комплекс терапия усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сурункали юрак етишмовчилиги бўлган 160 нафар бемор танлаб олинган бўлиб, улардан 36 нафар (31,03%) бемор СЮЕ I-I гуруҳ, 62 нафар (53,41%) бемор СЮЕ II-A-II гуруҳ ва 18 нафар (15,51%) бемор СЮЕ II-B-III гуруҳларга бўлинган. Асосий гуруҳни 63 нафар (54,31%) эркак ва 53 нафар (45,68%) аёллар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети: сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларнинг клиникаси, патогенези, текшируви таҳлилларини такомиллаштириш ва уларнинг адекват даво чораларини тадбиқ қилиш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертация ишида клиник-неврологик, психовегетатив, нейрофизиологик (ЭЭГ, РЭГ), МРТ,УТДГ ва кардиологик текширувлар (ЭКГ, ЭХОКГ) ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишнинг хусусиятлари асосий касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқлиги асосланган;

сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишнинг патогенетик механизмлари, шунингдек церебрал гемодинамиканинг артериал ва веноз қисми билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

Цитиокс II ва L-лизин эсцинат билан нейрометаболик ва венотоник терапия таъсири остида сурункали юрак етишмовчилигини даволашда когнитив бузилишларнинг динамикаси баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда инструментал, нейровизуал ва лаборатор таҳлиллар асосида когнитив бузилишларнинг кечиши касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқлиги аниқланган;

комплекс функционал текширувлар ва доплерографик тадқиқотлар асосида сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда бош миёда веноз димланиш белгиларини эрта ташхислаш мезонлари такомиллаштириган, даволаш-диагностик алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-неврологик, инструментал ва статистик усуллар асосида сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларнинг ташхиси клиник-нейрофизиологик ва иммунологик хусусиятлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларни эрта ташхислаш ва текширув усулларининг яхшилашни назарий аҳамияти борасидаги билимларнинг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларни ташхислашда клиник-неврологик, инструментал текширувларни комплекс текширув усули ишлаб чиқилганлиги ва у тўғрисидаги назарий ва амалий билимларнинг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши: Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларнинг ташхиси, клиник-нейрофизиологик хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида қуйидагилар яратилди:

«Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларни такомиллаштирилган текшириш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 8н-р/293-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларни эрта ташхислаш ва даволаш алгоритмини тадбиқ қилиш натижасида касалликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

«Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда хавотир ва депрессиянинг такомиллаштирилган текшириш услублари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 8н-р/292-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда хавотир ва депрессияни эрта ташхислаш, уларни даволашда касалликни камайтириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларни эрта ташхиси, клиник-нейрофизиологик ва нейропсихологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жондор туман неврология бўлими, Ромитан тумани терапия бўлими ва Бухоро тумани терапия, неврология бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 8н-д/136-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларни эрта ташхислаш алгоритмини тадбиқ натижалари асосида ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Адабиётлар шарҳи»** мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларнинг патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш тамойилларининг афзалликлари ва уларнинг камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишларни баҳолаш усуллари»** тадқиқотга текширилган беморлар ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган.

Ушбу тадқиқотда стандарт кардиотерапевтик даво чора тадбирларини қабул қилган ва ўз хоҳиши билан қатнашган 37 ёшдан 75 ёшгача бўлган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларни, шунингдек назорат гуруҳини ташкил этган сурункали юрак етишмовчилиги бўлмаган кардиологик беморларни текшириш натижаларига асосланган.


Тадқиқот объекти – Республика ихтисослашган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро минтақавий филиали кардиология бўлимига ётқизилган сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморлар киритилди. Тадқиқотга жами 160 нафар бемор кўриқдан ўтказилган бўлиб, асосий гуруҳга NYHA (**New York Heart Association Нью-Йоркская Ассоциация Сердца**) маълумотларига кўра функционал синф I, II, III бўлган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган 116 нафар бемор, касалликнинг барқарор кечиши даврида текширилган (IV функционал синф бўлган беморлар тадқиқотга киритилмади). Улардан 36 нафар (31,03%) бемор СЮЕ I-I гуруҳ, 62 нафар (53,41%) бемор СЮЕ II-II гуруҳ ва 18 нафар (15,51%) бемор СЮЕ II-III гуруҳларга бўлинган. Асосий гуруҳни 63 нафар (54,31%) эркак ва 53 нафар (45,68%) аёллар ташкил қилган.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети

ёрдамида Pentium-IV шахсий компьютерида статистик ишланган. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %) ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларида фойдаланилган. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p) ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F-Фишер мезони) ни ҳисоблаган ҳолда Стъудент (t) мезони бўйича аниқланган. Ишончлилик даражаси $p < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қаралди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффиценти (r) ҳисобланган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив ва психоэмоционал бузилишларнинг ўзига хос ўзгаришлар**» сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда неврологик статус ҳолати ва когнитив функциялари тавсифланиб, уларнинг натижалари таҳлил қилинган.

Сурункали юрак етишмовчилиги бу юрак касалликлари асорати бўлиб, тўқималар гипоперфузиясига ва бош мия сурункали ишемияси юзага келишига сабаб бўлади. Бугунги кунда кўплаб муаллифлар фикрига кўра сурункали бош мия ишемиясига сабаб, бу бош миянинг адекват қон билан таъминланиши ва эҳтиёжи ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатида келиб чиқади. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, бош мия тўқимаси гипоперфузиясига келтириб чиқарувчи хавф омилларига сурункали юрак касалликларида ташқари артериал гипертензия, қон томирлар атеросклерози, қандли диабет касаллиги ва бошқа сабаб бўла олади. Тадқиқотда II ва III гуруҳ беморларида 90% қон томир атеросклерози ва қандли диабет касаллиги 11,3% ва 16,7% да аниқланган (1-расм).



1-расм. Бош мия тўқимаси гипоперфузиясига келтириб чиқарувчи хавф омиллари

Текширувлар натижасида СЮЕ бўлган беморларда касаллик оғирлик даражасининг ошиб бориши билан клиник-неврологик белгиларнинг намоён бўлиш даражаси ошиб бориши кузатилган.

СЮЕ бўлган I гуруҳ беморларида тарқоқ неврологик симптоматика кузатилган. Мучаларда пай рефлексларининг енгил симметрик тарзда кучайиши 19.5%, патологик кафт рефлекслари 61%, Ромберг ҳолатида бироз нотурғун бўлиши 33% кузатилган.

СЮЕ оғирлик даражасининг ошиб бориши билан клиник текширувларда ўчоқли неврологик симптоматика кучайиб бориши кузатилган. II гуруҳ беморларида пирамид, кохлеовестибуляр синдром, координатор бузилишлар кузатилиб, атаксик синдромни шакллантирган. Пирамида синдроми орал автоматизм рефлекси кўринишида 81% намоён бўлиб, конвергенциянинг пасайиши 63%, анизорефлексия 77%, патологик кафт рефлекслари 65% ҳолларда учраган. Координатор бузилишлар 45% кузатилиб, Ромберг ҳолатида 50% нотурғун бўлиб, 2% ҳолатда йиқилиш ҳолати кузатилган. Атаксия синдроми 23% беморларда аниқланган.

СЮЕ бўлган III гуруҳ беморларида неврологик танқислик даражаси ошганлиги- псевдобульбар синдром 52%, конвергенциянинг пасайиши 82%, анизорефлексия 94%, атаксик синдром 23%, Ромберг ҳолатида 67% нотурғун бўлиб, 12,3% ҳолатда йиқилиш кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморлар турли гуруҳларида неврологик симптомлар учраш даражаси (%)

Неврологик симптомлар	НГ	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
орал автоматизм рефлекси	18%	58%*	81%*	89%**
конвергенциянинг пасайиши	9%	19%	63%*	83%
анизорефлексия	55%	75%	77%	94%
патологик кафт рефлекси	36%	61%*	65%*	72%*
атаксия синдроми	5%	8%*	23%*	50%**
ромберг ҳолатида чайқалиш	14%	33%*	50%**	72%***


*-гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги $p < 0.05$; **- гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги $p < 0.01$; *** гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги $p < 0.001$

Беморлар клиник-неврологик таҳлил натижалари СЮЕ да церебрал гемодинамиканинг ўзгариши ва унинг СЮЕ оғирлик даражасининг ошиши билан церебрал дисциркуляциянинг кучайиши билан намоён бўлади.

Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда когнитив бузилишлар даражасини аниқлашда J. Touchon ва R. Petersen 2004 йил (Захаров В.В., Яхно Н.Н., 2005) модификацияланган диагностика мезонларидан фойдаланилган. Синов натижаларига кўра, СЮЕ бўлган 116 нафар беморнинг 45 нафарида (38,8%) енгил когнитив бузилишлар мезонларига жавоб берадиган ўзгаришлар кузатилган. Шунингдек, 34(29,5%) беморда ўрта когнитив бузилишлар талабларига жавоб берадиган белгилар аниқланган.

Скрининг нейропсихологик тест натижаларига кўра, субъектларда деменция белгилари топилмади. СЮЕ билан касалланган беморларда муайян когнитив функцияларнинг бузилиш ҳолатларини таҳлил қилиш асосан кенгайтирилган нейропсихологик текширув натижасида олинган когнитив

бузилишларни тавсифловчи асосий кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилди. Скрининг шкалалар ёрдамида когнитив функцияларни баҳолашда СЮЕ бўлган асосий гуруҳдаги беморлар ва назорат гуруҳидаги беморлар билан таққослаганда барча ўлчовларда FAB шкаласида сезиларли фарқ билан паст натижаларни кўрсатди ($p < 0.05$), бу пешона бўлаги дисфункцияси борлигини намоён қилади (2-расм).



2-расм. Асосий ва назорат гуруҳлари орасида скрининг нейропсихологик синамалар таҳлили

Кенгайтирилган нейропсихологик синамалар ёрдамида когнитив функциялар натижаларини баҳолаганда назорат гуруҳи беморларига нисбатан СЮЕ бўлган беморларда мантикий (субтест 4), операцион (субтест 5) ва визуал (субтест 6) хотира кўрсаткичлари анча пастлиги намоён бўлган. Горбовнинг "қизил-қора жадвал" синамаси бўйича диққатни алмаштириш вақтининг (ДАВ) узайиши, "тескари ҳисоблаш" услубида ўнликдаги хато, бирликдаги хато миқдорининг кўпайиши, шунингдек Лурия тестида 10 сўзни биринчи такрорлашдан сўнг (ЎСАМ1) айтиб берилган сўзлар сонининг камайганлиги, 10 та сўзни тўлиқ айтиш учун персеверациялар сонининг кўпайишини аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳлари орасида кенгайтирилган нейропсихологик синамалар таҳлили, (M±m)

Тестлар	Кўрсаткичлар	НГ	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
Горбов синамаси	ДАВ	86,77±2,81	104,53±4,17*	125,1±6,27	163,67±13,13*
Тескари ҳисоблаш	ЎХ	0,11±0,06	0,42±0,15	0,98±0,19*	1,56±0,49
	БХ	0,32±0,15	0,58±0,22	1,79±0,31*	2,72±0,62
Векслер хотира шкаласи	субтест 4	17,91±0,27	15,78±0,25	14,37±0,20***	12,83±0,41
	субтест 5	12,32±0,32	10,94±0,17**	10,55±0,14	9,61±0,25**
	субтест 6	12,09±0,32	11,25±0,18	9,72±0,21*	7,94±0,20**
	субтест 7	14,18±0,41	13,05±0,34	11,42±0,16*	11,39±0,32
Лурия тести	ЎСАМ1	7,32±0,24	6,61±0,18	6,19±0,16*	5,39±0,21**


	ЎСАМ пс	1,86±0,21	3,75±0,11*	4,48±0,08	5,56±0,25**
--	---------	-----------	------------	-----------	-------------

Изоҳ: ДАВ-диққат алмашини вақти; БХ- бирликдаги хато; ЎХ-ўнликдаги хато; ВХШ4-векслер хотира шкаласи 4-субтест; ВХШ5-Векслер хотира шкаласи 5-субтест; ВХШ6-Векслер хотира шкаласи 6-субтест; ВХШ7-Векслер хотира шкаласи 7-субтест; ЎСАМ1-10 та сўзни эшитиб, биринчи мартада айтилган сўзлар сони; ЎСАМ пс- 10 сўзни тўлиқ айтиши учун кетган персеверациялар сони; * $p < 0.05$; ** $p < 0.01$; *** $p < 0.001$;

СЮЕ бўлган 116 та асосий гуруҳ беморларни кенгайтирилган нейропсихологик текширув натижаларини таҳлил қилишда 50(43%) та беморда хотира пасайиши, 84(72%) беморда эътибор бузилиши, 79(68,8%) беморда ижро функциялари бузилганлиги, 54(47%) ахборотни қайта ишлаш тезлигининг пасайиши кўринишидаги нейродинамик бузилишлар аниқланган. "Орқага ҳисоблаш" усули бўйича 13 нафар (11,1%) гача, Горбовнинг "қизил-қора жадвал" усули – 39 нафар (33,6%) беморда нормадан оғиш ҳолати кузатилган.

СЮЕ бўлган беморларда турли хил хотира турларининг пасайиши аниқланди: қисқа муддатли хотира- 58(50,3%) беморда, мантикий хотира - 26(22.5%) беморда, оператив хотира - 19 (16%) беморда, визуал хотира - 10(8.9%) беморда, ассоциатив хотира - 15(13.2%) беморда кузатилди (3-расм).

Спирман корреляцион таҳлилни ўтказишда диққат, хотира, ижро функциялари бузилиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланмаган ($p > 0,05$).



3-расм. Кенгайтирилган нейропсихологик синамалар таҳлиliga кўра асосий ва назорат гуруҳлари орасида хотира бузилиш турлари

Маълумки, СЮЕ клиник кўринишининг асосини ташкил этадиган кардиологик белгилар ва когнитив бузилишлар билан бирга, СЮЕ бўлган беморларда ҳиссий соҳада ўзгаришлар ривожланади ва ривожланиб боради, булар асосан астеник ва хавотир-депрессив ўзгаришлардир. СЮЕ бўлган беморлар 25 нафар (21.5%) депрессия белгилари, реактив хавотир 12 нафар (10.3%), шахсий хавотир 5 нафар(5.17%), астения белгилар 32 нафар (27.6%) беморларда кузатилиб, шулардан 4 нафар (3.4%) беморларда ўртача астения белгилари кузатилган. Назорат гуруҳи беморларида 4 нафар (18.1%) енгил астения кузатилиб, юқори депрессия, юқори хавотир белгилари аниқланмаган.

**Асосий ва назорат гуруҳлари орасида астения, хавотир ва депрессия
синамалар таҳлили, (M+m)**

		НГ	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
Астеник ҳолат шкаласи		45,5±0,71	53,97±1,08	60,94±0,56*	65,72±0,91*
Спильбергер Ханин	РХ	30,77±0,53	35,86±0,51	38,81±0,59	48,0±1,2*
	ШХ	33,95±0,47	37,39±0,63	39,29±0,45*	41,28±0,71
Гамильтон шкаласи		6,68±0,19	10,36±0,27	11,97±0,23	13,83±0,29*

РХ-реактив хавотир; ШХ-шахсий хавотир; p<0.05;

Асосий гуруҳ ва назорат гуруҳ беморлари солиштирилганда улар орасида астения статистик аҳамиятли даражада юқори бўлганлиги кузатилган. Шахсий хавотир ва реактив хавотирнинг статистик аҳамиятли даражада юқори бўлганлиги кузатилган. СЮЕ бўлган беморларни назорат гуруҳи билан таққослаганда, олиб борилган синамалар натижасига кўра депрессия, хавотир, астения кўпроқ намоён бўлиши ва унинг даражаси юрак етишмовчилиги оғирлик даражаси билан боғлиқлиги аниқланган (3-жадвал).

СЮЕ бўлиши астения ва шахсий хавотирнинг юқори даражаси билан ўзаро боғлиқ. СЮЕда ФС нинг юқори бўлиши астеник ҳолат шкаласида балнинг ошиши билан бирга кечиб, сурункали юрак етишмовчилигида структур ўзгаришлар ва клиник белгилар оғирлик даражаси билан мос равишда ўзгаради. СЮЕ бўлган беморларда астениядаражасининг баландлиги уларда нейропсихологик синамаларни ўтказишда қийинчиликларни туғдиради. Шунинг учун бундай беморларга юқори сезгир нейропсихологик синамаларни ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **«Сурункали юрак етишмовчилигининг церебрал веноз димланишдаги роли ва унинг инструментал текширувлардаги ўзига хос хусусиятлари»** сурункали юрак етишмовчилигида церебрал гемодинамикадаги ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган.

Касалликнинг клиник кўринишида шикоятларнинг табиати етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бош миянинг веноз патологиясини ўрганишга бағишланган адабиётларда у "веноз" шикоятлар деб тавсифланади. Бунга характерли эрталабки ёки кечки бош оғриғига қўшимча равишда қуйидаги шикоятлар киради: бўйинга тор боғич тақишда бош оғриғи, бош айланиши, бошдаги шовқиннинг кучайиши ("тор ёқа" белгиси), паст ёстикда ухлаганда ("баланд ёстик" белгиси), эрталаб уйқудан сўнг "кўзлари қум билан тўлганлик ҳисси" ("кўзлардаги қум" аломати), эрталаб юз ва қовоқларда шиши. Ушбу клиник синдромда бош оғришининг эрталаб ("уйқудан кейин кўзларимни очишим билан") "ёки тунда кучайишини ҳисобга олиб "уйғониш энцефалопатияси" атамаси таклиф қилинган (А.И.Федин, 2017).

Бош миянинг веноз димланиши ташхиси комплекс субъектив, объектив ва параклиник маълумотларига асосан қўйилган:

1) бош оғриши ва бошда оғирлик, айниқса эрталаб ва кечда оғрик бўлиши, йўтал ва зўриқишда бош оғришнинг кучайиши;

2) юзда шиш, склера инъекцияси, бош ва бўйин тери ости веналари кенгайиши;

3) кўз туби веналарининг шиши;

4) реоэнцефалограммада “веноз тўлқин” нинг пайдо бўлиши;

5) КТ/МРТда бош мия атрофияси;

6) УТДГ текширувида бўйинтуруқ венаси, сигмасимон ва кўндаланг веноз синусларда қон оқими параметрларининг пасайиши ёки нотурғун бўлиши.

Ушбу 6 та белгиларнинг 4 та ва ундан кўпроғи бўлганида “Бош мия веноз димланиши” ташхиси қўйилган (Б.Г.Гафуроф).

Тадқиқотда юқорида келтирилган объектив ва инструментал текшириш натижаларига кўра сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг 101 нафарига (87.3%) юқорида кўрсатилган диагностик мезонлар асосида бош мия веноз димланиши ташхиси қўйилган. Шулардан веноз димланишга хос бош оғриши белгалари 25 (25.1%), эрталабги юзлардаги шиш 43 (43.02%), склера инъекцияси 10 (10%), бош ва бўйин тери ости веналар кенгайиши 15 (15%), РЭГ да веноз тўлқиннинг бўлиши 61 (61%) ҳолларда учраган.

“Веноз ” бош оғриғининг хусусиятлари қуйидагича:

1. Оғриқнинг характери: бошидаги оғирлик, бош кўрғошин билан тўлдирилганлик ҳисси, бир хилдаги монотон оғриқ.

2. Оғриқ даражаси: енгил ва ўртача.

3. Суткалик намоён бўлиши: асосан эрталаб, куннинг биринчи ярмида.

4. Локализацияси: носимметрик, тарқоқ, баъзан тепа энса соҳаларида.

5. Бош оғриғини кучайтирадиган ёки кўзғатадиган омиллар: бошни олдинга эгиш; тананинг горизонтал ҳолати; Валсалва тести мусбат; спиртли ичимликлар, нитратлар, вазодилататорлар; илиқ ванна, иссиқ ичимликлар, дим бўлиб қолган хонада, сауна бўлиш; кундузги уйқу; тор ёқа ёки бўйинбоғ.

6. Бош оғриғини камайтирувчи омиллар: аччиқ чой, кофе, кофеинли ичимликлар ичиш; совуқ сув билан ювиш; тоза ҳавода сайр қилиш; вертикал тана ҳолати; баланд ёстиқда ухлаш.

7. Бош оғриғига ҳамроҳ бўладиган аломатлар: дискомфорт –ноқулайлик ҳисси, кўзларда "чарчоқ"; бошдаги шовқин, тиннитус.

Объектив текширувда склера инъекциясига, юз терисининг цианотик рангига, лаблар маҳаллий цианози, кўз ости кўкимтирлигига, бўйин, бурун учи, қулоқ соққаларида енгил кўкимтирлик, куннинг иккинчи ярмидан сўнг ва жисмоний фаолликдан кейин секин аста йўқоладиган эрталабги юз шиши, бош тери ости қон томирларининг кенгайиши борлигига эътибор берилган.

Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда веноз димланиш белгилари касаллик оғирлик даражаси ошиб бориши билан кўпроқ намоён бўлади (4-жадвал).

Тадқиқот натижалари солиштирилганда I гуруҳда -26 нафар (52%), II гуруҳда-24 нафар (63%), III-гуруҳда 20 нафар (75%) беморларда веноз шикоятлар кузатилган.

Сурункали юрак етишмовчилигида юрак чап қоринча ва ўнг қоринчаси дисфункцияси бош мияда қон айланиши бузилишига сабаб бўлиб, бу асосан бошдан чиқувчи веноз оқимнинг бузилишига олиб келади ва веноз димланиш

клиник белгиларини намоён қилган. Касаллик оғирлик даражасининг ошиши билан юқорида айтиб ўтилган клиник белгилар кўпроқ аниқланган.

4-жадвал

СЮЕ бўлган беморларда “венос шикоятлар” нинг гуруҳлар орасида учраш даражаси, %

Белгилар	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	НГ
Венос бош оғриши	44% [^]	40% ^{^*}	39% [^]	45%
Юз ва қовоклар шиши	56% [^]	42% ^{^*}	39% [^]	41%
Кўз соққасида оғрик	44% [^]	37% ^{^*}	44% ^{^*}	41%
Бош айланиши	39% ^{^**}	73% [^]	94% [^]	73%
Бошда шовқин	42% ^{^*}	39% [^]	67% ^{^**}	41%

Изоҳ: [^]-гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги; * $p < 0.05$; ** $p < 0.01$

Тадқиқотда сурункали юрак етишмовчилиги бўлган 52 нафар (44,8%) беморда брахиоцефал қон томирларни ультратовушли дуплекс сканерлаш амалга оширилган.

Брахиоцефал артерия қон томирларини текшириш жараёнида 42 нафар (36.2%) беморда қон томир атеросклеротик ўзгаришлар аниқланган. Интима-медиа комплекс қалинлашуви каби атеросклеротик ўзгаришларнинг дастлабки ўзгаришлари 37 нафар (32,03%) беморда аниқланган. Қон томирларнинг стенотик зарарланиши 26 (22.4%) ҳолатда учради ва стеноз даражаси 25% дан юқори бўлган беморлар тадқиқотда киритилмаган. Касаллик оғирлашиб бориши билан қон томирлар атеросклеротик зарарланиши белгилари ошиб бораверганлиги кузатилган ($p < 0.05$). Қайсики сурункали юрак етишмовчилигининг дастлабки босқичларида қон томирларнинг атеросклеротик ўзгаришларининг бошланғич белгилари кузатилиб 21 (18.1%) ҳолатда, касаллик оғирлик даражасининг ошиши билан қон томирларнинг стенотик зарарланиши ҳолати кўпроқ учраган 17 (14.7%). СЮЕ бўлган беморларда эркак ва аёллар ўртасида сезиларли фарқ аниқламаган ($p > 0,05$).

Касаллик оғирлик даражаси ошиб бориши ва артериал қон томирлари деворини структур ўзгаришларининг кучайиб бориши билан уйқу артериялари ҳавзаларида қон оқими тезлиги ҳам ўзгаради. Касалликнинг дастлабки босқичида ушбу қон томирларини дуплекс сканер текширувида чизиқли қон оқими тезлиги (ЧҚОТ) ва периферик қаршилик (RI) индексларида ўзгаришлар аниқланмади. Касалликнинг кейинги босқичларида ички уйқу артериясида қон оқимининг редукцияси яъни ЧҚОТ камайиши ва (RI) ошиши кузатилган. Чап ИУАда ЧҚОТ нинг пасайиши 38 (32,7%) ҳолатда кузатилиб, асосан II гуруҳ беморларида кузатилган. Иккала уйқу артериясида ЧҚОТ нинг пасайиши 18 (15,51%) ҳолатда кузатилиб, асосан III гуруҳдаги беморларда учраган. Умуртқа артериясини (УА) текширганда 12 (10,34%) ҳолатда қон томир аномалиялари кузатилди, шулардан 4 (3,44%) ҳолатда ўнг умуртқа артерияси гипоплазияси, 6 (4,3%) ҳолатда чап умуртқа артерияси гипоплазияси ва қон томирнинг эгрилиги 2 (1,7%) ҳолатда кузатилган. Умуртқа артерияда 43 (37,06%) ҳолатда қон оқими ассиметрия кузатилиб, ўнг томон ЧҚОТнинг пасайиши кўринишида намоён бўлган (5-жадвал).

5-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳи орасида ташқи уйқу артерияси ва ички уйқу артериялари ултратовушли доплерографик текшируви натижалари

	НГ	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
ЧҚОТ УУА ўнг	68,69±0,21	66,77±0,56	61,27±0,02*	57,09±0,81*
ЧҚОТ УУА чап	69,46±0,12	69,46±0,84	65,46±1,21	63,45±1,38 *
ЧҚОТ ИУА ўнг	64,38±0,62	68,15±0,80	60,07±0,70 ^	57,36±2,41*
ЧҚОТ ИУА чап	69,31±0,22	39,31±1,28	64,54±0,70	62,45±0,62*
ЧҚОТ УА ўнг	57,54±0,65	57,54±0,64	53,46±1,09	46,18±0,84 ^
ЧҚОТ УА чап	55,0±0,35	55,0±0,47	49,27±0,67	47,09±0,96*
RI УУА ўнг	0,59±0,001	0,64±0,005	0,66±0,01*	0,69±0,011 ^*
RI УУА чап	0,58±0,012	0,62±0,01	0,65±0,11 ^	0,69±0,015*
RI ИУА ўнг	0,64±0,008	0,68±0,009	0,70±0,008	0,75±0,011 ^
RI ИУА чап	0,58±0,012	0,60±0,007	0,66±0,008*	0,66±0,018
RI ИУА ўнг	0,53±0,01	0,55±0,01	0,65±1,01	0,69±0,008*
RI ИУА чап	0,53±0,07	55,0±0,47	0,60±0,009*	0,63±0,012 ^

* - назорат гуруҳи билан солиштиргандаги фарқи, $p < 0.05$; ^ - гуруҳлар орасидаги фарқ, $p < 0.01$

Брахиоцефал артерияларнинг дуплекс ултратовуш сканерлаш текшируви натижасига асосланиб, касалликнинг дастлабки босқичида умуртка артерияларида патологик ўзгаришлар бошланиб, сўнгра бу жараён касаллик даражаси оғирлашиб бориши билан уйқу артериялари ҳавзаларида ўзгаришлар кузатилган. Церебрал веноз гемодинамикага баҳо бериш мақсадида бўйин магистрал веналари ултратовушли доплерографияси амалга оширилган. Бўйинтуруқ веналари (БВ) текширилганда веналар юзаси ассиметрияси кузатилиб, шулардан 59% ўнг томонлама ва 41% чап томонлама кенгайганлиги аниқланган. БВ симметриклиги 4% ҳолатларда кузатилган. Касаллик оғирлик даражаси ошиб бориши билан БВ юзасининг аҳамиятли равишда ошиб бориши уларда чизиқли қон оқими тезлиги кўрсаткичларининг ишончли равишда пасайиши кузатилган ($p < 0.001$) (6-жадвал).

6-жадвал


